



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 212 (12.773)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ЗУЛФИЯ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бетакрор истеъдоди, Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларни юксак пардаларда тараннум этган етук бадиий асарлари, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Республика хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва жамоатчилик вакиллари билан Ўзбекистон халқ шoirи Зулфия таваллудининг 100 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон халқ шoirи Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий кўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий кўмита бир ой муддатда Ўзбекистон халқ шoirи Зулфия таваллудининг 100 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу режада:

- шоиранинг ўзбек тилида «Сайланма» асарларини, инглиз ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган шеър-ий тўпламларини;

- «Зулфия замондошлари хотирасида» китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

- шоиранинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

- Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида «Мустақиллик даври адабиётида Зулфия ижодининг аҳамияти» мавзусида илмий конференция ўтказиш;

- мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш;

- 2015 йил март ойида Тошкент шаҳрида «Туркистон» саройида зиёлилар, фаол хотин-қизлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида шоира хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тадбирлари кўзда тутилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон халқ шoirи Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 31 октябрь

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ БИРИНЧИ ҚЎМИТАСИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ БЎЙИЧА РЕЗОЛЮЦИЯНИ ЯҚДИЛЛИК БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

2014 йил 29 октябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг Биринчи қўмитаси «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартнома» резолюцияси лойиҳасини кўриб чиқди ва овоз беришга қўймасдан, консенсус асосида мазкур ҳужжатни қабул қилди. Дунёнинг 60 га яқин давлатлари, жумладан, «ядровий бешлик» мамлакатлари — Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ ва Франция унинг ҳаммуаллифлари бўлишди.

Ҳужжатнинг биринчи бандида «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартноманинг 2009 йил 21 мартда кучга кириши маъқулланган».

Шу тариқа, 1993 йил 28 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов томонидан илгари сурилган ташаббус қўллаб-қувватланди.

Марказий Осиёдаги ядросиз зона қатор ноёб ўзига хосликларга эгадир. Бу Шимолий яримшарда барпо этилган биринчи ядросиз ҳудуддир. Шунингдек, мазкур шартнома Марказий Осиёдаги беш мамлакатнинг барчаси иштирок этаётган хавфсизлик соҳасидаги биринчи кўп томонлама битим бўлди.

Шартномага кўра, ҳар бир томон ядровий тадқиқотлар ўтказмаслик, ҳар қандай ядровий қурол ёки бошқа ядровий портлаш қуролмаси устида иш олиб бормаслик, ишлаб чиқармаслик, захи-

раларини тўпламаслик ёки бошқа усуллар билан қўлга киритмаслик, эгаллик қилмаслик ёки унинг устидан назоратни амалга оширмаслик бўйича ўз зиммасига мажбуриятлар олган. Ўз навбатида, ядровий давлатлар шартномада иштирок этаётган барча мамлакатга нисбатан ядро қуролини ёхуд бошқа ядровий портлаш қуролмасини қўлламаслик ёки уни қўллаш билан таҳдид қилмаслиқни қафолатлайди.

Нуфузли халқаро экспертлар томонидан бир неча бор қайд этилганидек, Ўзбекистон ташаббусининг амалий жиҳатдан ҳаётга татбиқ этилиши Марказий Осиё мамлакатларининг барқарор ва изчил таракқиёти учун минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича устувор вазифаларга ҳамда глобал даражада ядро қуроллари тарқалмаслиги тизимининг мустаҳкамла-нишига жавоб беради.

«Жаҳон» АА.

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Отабек Мирсоатов (ЎЗА) олган сурат

«SAMSUNG» LED ТЕЛЕВИЗОРЛАРИ ТОШКЕНТДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Замонавий телевизорлар ишлаб чиқариш линиясининг очилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда «Ўзэлтехсанот» акциядорлик компанияси, «Zenith Electronics» қўшма корхонаси, «Samsung Electronics» компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбар ва ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

«Ўзэлтехсанот» акциядорлик компанияси раисининг ўринбосари Ж.Исмоилов, «Zenith Electronics» қўшма корхонаси бош директори Ф.Абдуллин ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда Тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури изчиллик билан амалга ошириб келинаётганини таъкидлади. Мазкур жараёнда электрон соҳа корхоналари ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, «Zenith Electronics» қўшма корхонасида телевизорнинг электрон бошқарув платаси, олд панеллари, орқа томонига қўйиладиган қоп-қоқлар, пенопласт қадоклаш буюмлари ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилди. Бу бутловчи қисмлар умумий ҳажмининг 35 фоизини ташкил этди.

Яқин панелли LED телевизорлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани корхонани ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда муҳим

қадам бўлди. Жанубий корейлик шериклар билан самарали ҳамкорлик қисқа муддатда янги технологияларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришни халқаро сифат стандартларига мувофиқ йўлга қўйиш имконини берди.

Ушбу жараён доирасида ускуналар модернизация қилиниб, пластик буюмлар қўйиш ва электрон платалар ишлаб чиқаришнинг янги технологияси жорий этилди. Хусусан, замонавий компютерлаштирилган линия 0,3 миллиметрдан 30 миллиметргача бўлган электрон таркибий қисмларни ўрнатишга қодир.

Таъкидлаш жоизки, LED телевизорлари ишлаб чиқаришда маҳсулотнинг дизайнини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун қўшма корхонада юқори даражада сайқал берилган мустаҳкам корпус буюмлари ва бошқа таркибий қисмлар ишлаб чиқарадиган янги ускуна ўрнатилган.

Тайёр маҳсулотларни йиғиш цехи бошлиғи Р.Қаюмовнинг таъкидлашича, айни пайтда мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари кунига 32 дюйм диагоналли 400 донга телевизор ишлаб чиқариш имконига эга. Келгусида ишлаб чиқариш қувватини кунига 500 донга, диагональ ҳажмининг эса 40 дюймга етказиш режалаштирилмоқда. Умуман олганда, 2017 йилда корхонада ишлаб чиқарила-

диган телевизорлар сони 75 мингдан ошади.

«Zenith Electronics» компанияси томонидан лойиҳани амалга ошириш учун киритилган инвестициялар умумий ҳажми қарийб 3 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Ўзбекистонда чет эллик инвесторлар учун жорий қилинган имтиёз ва преференциялар тизими Ўзбекистон ва Жанубий Корея корхоналари ўртасидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда, — дейди «Samsung Electronics» компанияси ваколатхонаси раҳбари Синг Сук Чой. — Бугунги кунда «Zenith Electronics» қўшма корхонасида компаниямиз билан ҳамкорликда автомат кир ювиш машиналари ишлаб чиқаришмоқда. LED телевизорлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани икки мамлакат компаниялари ўртасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш борасидаги наватбадга қадам бўлди.

Эслатиб ўтиш жоизки, «Zenith Electronics» мамлакатимизда маиший техника ишлаб чиқарадиган етакчи корхоналардан биридир. Айни пайтда компания томонидан телевизор, кондиционер, кир ювиш машиналари тайёрланмоқда. Ишлаб чиқариш жараёни ISO 9001 сифат менежменти тизимида мос равишда сертифициланган.

Муҳаммад ҚАРШИБОВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН

РЕСПУБЛИКАСИНИ 2014 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 январда бўлиб ўтган мажлисида белгиланган 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш, шунингдек, таркибий тўб ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизация қилишга доир қабул қилинган стратегияни давом эттириш жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асосий кўрсаткичларининг ижобий ўсиш суръатларини сақлаш имконини берди.

1. Иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича қабул қилинган стратегияни давом эттириш ва бунинг учун мавжуд захира ва имкониятларни сафарбар этиш

Жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамастан, жорий йил аввалида Ўзбекистонда иқтисодий ривожланиш бўйича қабул қилинган стратегияни изчил ва аниқ мақсадли амалга ошириш учун мавжуд захираларни жалб этишга доир қўрилган чора-тадбирлар ялпи ички маҳсулотнинг 8,1 фоизга ўсиши, макроиктисодий барқарорлиқни мустаҳкамлаш имконини берди. Бу давлат бюджетининг профицити (ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз) ва ташқи савдо айланмасининг 900 миллион доллардан зиёд ижобий салдоусида ўзифодасини топмоқда.

Технологик жараёнларни модернизация қилиш ва янгиллаш, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришда реал сектор корхоналарини рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,4 фоиз, истеъмол товарлари 11,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,8, чакана савдо айланмаси 14,2, пуллик хизмат кўрсатиш 11,1 ва жами хизматлар ҳажми 14,7 фоизга ошди.

Муҳим объектлар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишни жаддаллаштириш, йўл-транспорт ва коммуникация инфраструктурасини ривожлантириш, шу мақсадда хусусий инвестицияларни рағбатлантириш ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажминини кенгайтиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажминини 10,7 фоиз ва пудрат қурилиш ишларини 18,9 фоизга ўсишини таъминлади.

Банк тизимининг ресурс базасини кенгайтириш ва банкларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар тижорат банклари умумий капитали 24,7 фоиз, банкларнинг умумий активлари 29,2, жалб қилинган депозитларнинг 30,4 фоизга кўпайишини таъминлади. Натижада мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 23,9 фоизни ташкил қилди ва бу халқаро стандартларга нисбатан уч баробар юқоридир.

(Давоми 2-бетда)

Тошкент шаҳар ҳокимлигида вазирлик ва идоралар, республика тижорат банклари раҳбарлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, шаҳар ҳокими ўринбосарлари, шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари, бош бошқарма, бошқармалар бошлиқлари, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, тегишли жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирокида йилнинг тўққиз ойи якунларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 январдаги мажлисида белгиланган энг муҳим устувор вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг ижроси, жумладан 2014 йилнинг 9 ойида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва 2014 йилнинг прогноз параметрларига сўзсиз эришвиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг энг муҳим вазифаларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган муҳим тадбирларни белгиланган масалалари атрофида қўриб чиқилди.

Йиғилишда ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9,1 фоизга ўсганини, шу жумладан саноат маҳсулотлари, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, асосий капиталга инвестициялар, пудрат қурилиш ишлари, чакана савдо айланмаси ва пуллик хизматлар ҳажми борасида иқтисодий ўсишга эришилгани таъкидланди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши 58,9 фоизни ташкил қилиб, ушбу кўрсаткичнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,8 фоиз ўсишга эришилди, хизматлар соҳасининг улуши 54,1 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётнинг изчил ривожланишига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиллаш, ҳудудий инвестиция дастурларининг амалга оширилиши ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

«2014-2016 йилларда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури» доирасида жорий йилнинг 9 ойида 1700 та инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш белгиланган бўлса, ушбу режа 2145 та объект сифатида бажарилди.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Инвестиция дастурига киритилган 53 та ижтимоий соҳа объектларининг фойдаланишга топширилиши ўз вақтида амалга оширилди.

2014 йилда истеъмол қилинган табиий газ, электр ва иссиқлик энергиясидан дебитор ва кредитор қарздорликларини кескин қисқартириш, тўловларни ўз вақтида тўлиқ амалга ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди.

«Бандлик дастури»га асосан жорий йилнинг 9 ойида 69,7 мингта иш ўринларини ташкил этиш белгиланган бўлса, амалда 70,6 мингта иш ўринлари яратилиб, белгиланган режа кўрсаткичлари 1,4 фоизга бажарилган.

Шу билан бир қаторда йиғилишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилгани таъкидлаб ўтилди. Жумладан, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш прогнози ортиси билан бажарилган бўлсада, ҳудудий саноат прогнозининг бажарилишига эришилмаган.

Бундан ташқари, шаҳардаги баъзи йирик саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқариш ҳажмлари камайганлиги кузатилган, бундай салбий ҳолат хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам учраган. Жорий йилнинг IV чорагада бу каби камчиликларни аниқлаб, уларга барҳам бериш бўйича қатъий иш олиб борилиши таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, «2014-2016 йилларида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури» доирасида яна 945 та ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишга тушириш ва қарийб 12 минг доимий иш ўринларининг яратилиши ташкиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда касб-хунар коллежлари биттирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ишга жойлашмаган коллеж биттирувчиларининг бандлигини тезкор таъминлаш юзасидан кескин чоралар қўриш белгиланди.

Йиғилишда кўп қаватли уй-жойлар ва уларнинг атроф-ҳудудларини тартибга келтириш, ободонлаштириш бўйича режа-жадвалга мувофиқ шу ой якунига қадар 7 та уй-жойларнинг том қисмини, 141 та кириш йўлакларини таъмирлаш, 78 та уй-жойлар ерўстларини тартибга келтириш, 71 та спорт ва болалар майдончаларини қуриш ишларини якунига етказиш асосий вазифалардан бири эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг захираси масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада жорий йилнинг 25 ноябрга қадар белгиланган ҳажмда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг захирасини яратиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда 2014 йил учун белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш учун барча имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари У.Розукулов иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2014 ЙИЛНИНГ ТЎҶҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҶРИСИДА

2014 йилнинг тўққиз ойида
Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий
ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари

(2013 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	108,1
Саноат маҳсулотлари	108,4
Истеъмол товарлари	111,3
Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари	106,8
Қурилиш ишлари	118,9
Чакана савдо айланмаси	114,2
Пуллиқ хизматлар	111,1
Жами хизматлар	114,7

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу йилнинг тўққиз ойида 141 корхонада молиявий соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш учун «Йўл хариталари» доирасида қиймати 558 миллиард сўм миқдоридagi инвестициялар, жумладан, банкларнинг 360,6 миллиард сўмлик кредитлари жалб қилинди. Бунинг натижасида 119 корхона зарар кўришдан чиқарилди ва улар 139,2 миллиард сўм даромад олди, 2300 дан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди ва қайта тикланди. Қайта ташкил этилаётган корхоналарда жами қиймати 4,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди, шунингдек, қиймати 192,6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини оптимallashtiriш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида майдони 539,5 минг квадрат метрдан иборат бўш турган 330 объект ва 216 гектардан зиёд фойдаланилмаётган ер участкаларини янги мулкдорларга сотиш ишлари бошланди.

Тармоқлар рақобатбардошлигини юксалтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида жорий йил бошидан буюн йирик корхоналарда қиймати 184,5 миллион долларга тенг 2770 маънавий ва жисмоний эскирган ускуна алмаштирилди. Ишлаб чиқариш жараёнини оқилona ташкил этиш, корхоналарни технологик янгилаш, ҳомашё ва материаллар сарфини камайтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида шу йилнинг тўққиз ойида йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот танҳарис ўртача 9,2 фоизга камайтирилди, саноатда иш ўнмдорлиги 6,6 фоизга оширилди.

Ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурлари, шунингдек, саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг ҳаётиятга татбиқ этилиши таркибий тўб ўзгаришлар жараёни ва саноат тармоқларини диверсификация қилишни янада чўқурлаштиришга ёрдам берди.

2014 йилнинг тўққиз ойида машинасозлик ва металл қайта ишлаш (2013 йилнинг шу давридагига нисбатан ўсиш суръати 114,2 фоиз), қурилиш материаллари саноати (113 фоиз), енгил саноат (115,9 фоиз, жумладан, трикотаж – 118 фоиз, тикуччилик – 126,1 фоиз, пахтачи қайта ишлаш – 125,4 фоиз), фармацевтика (113,9 фоиз), чора металлургия (113,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (109,7 фоиз) каби саноат тармоқларида жадал ривожланиш таъминланди. Саноат ишлаб чиқариш ўнмий таркибидан ушбу тармоқлар улуши ўтган йилнинг 9 ойидаги 54,5 фоиздан ҳисобот даври якуналирига кўра 59 фоизгача ўсди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида жорий йил бошидан буюн технологик ускуналар харид қилиш ва айланма капитални тўлдирish учун ишлаб чиқарувчи корхоналарга банклар томонидан 2,6 триллион сўм (2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 124,7 фоиз), жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга 1,2 триллион сўм (122,2 фоиз) ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга 1,4 триллион сўм (127 фоиз) ҳажмида кредитлар ажратилди. Натижада шу йилнинг тўққиз ойида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 11,3 фоиз, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 7,9 фоиз ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 13,6 фоиз ўсди.

2014 — 2016 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 443 лойиҳа бўйича қиймати ўртача 2 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Импорт ўрини босиш бўйича ҳисоблаб чиқилган самара 870 миллион доллардан ошди. Маҳаллийлаштирилган 525 турдаги янги маҳсулот, ҳусусан, электр дуҳовка, газ ва электр плиталар, кондиционерлар, электр двигателъ ва насослар, розеткалар учун штепсел, пайвандалаш симлари, автомашиналар учун антифриз, спорт майдонлари учун сунъий қоплама, резина асосли қовролан, янги турдаги болалар ўйинчоқлари, спорт анжомлари ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Таркибий тўб ўзгариш жараёнларини чўқурлаштириш, саноат тармоқларини диверсификация қилиш ва рақобатбардошлигини оширишга доир чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг тўққиз ойида юз автомобиллари, автомобил дивелгаторлари, автобуслар, қўлтиваттарлар, музлатгич ва совутигичлар, тикуччилик, трикотаж буюмлари ва пайпоқ, пойабзал, қармадан тайёрланган галантерея буюмлари ва юкори қўшмача қийматга эга бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш сезиларли равишда кўпайди.

II. Саноатда юкори технологияли ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга тушириш, инвестиция жараёнини ривожлантириш ва тақомиллаштириш

Инвестициявий муҳитни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари билан биргаликда, юкори технологияли ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга туширишни жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини чўқурлаштиришга қаратилган фолл инвестиция сийсатининг амалга оширилиши иқтисодиётда ўзлаштирилган инвестицияларнинг юкори ўсиш суръатларига эришиш имконини берди. Жорий йилнинг тўққиз ойи якуналирига кўра, уларнинг ҳажми 10 миллиард доллардан ошди.

Ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 2,1 миллиард доллардан ортиғи ёки 20,7 фоизини чет эл инвестиция ва кредитлари ташкил қилди. Уларнинг ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 19 фоиз, жумладан, тўридан-тўғри чет эл инвестициялари 1,7 миллиард долларга ёки 22,3 фоиз ўсди.

Ўтган даврда умумий қиймати 875,7 миллион долларлик 105 йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Жумладан, «Жиззах виллоятда портландцемент ва оқ цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «Фосфорит ҳомашёсини бойитиш бўйича мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш», «Дамас» ва «Оригандо» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида янги замонавий шаклар заводи қуриш ва ташкил этиш», «Сино» акциядорлик жамаиятида музлатгич ва кондиционерлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва кенгайтириш», «Leading Force Company» қўшма корхонасида майдонлаш-саралаш ва асфальт қорши комплексини ташкил этиш», «Жиззах» махсус индустриал зонасида сантехника буюмлари ва қуёш энергияси ёрдамида сув иситиш тизимлари (коллекторлар) ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби ва бошқа лойиҳалар бўйича ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди.

Умуман жорий йил бошидан буюн ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 4271 лойиҳа ҳаётиятга татбиқ этилди. Жумладан, қурилиш материаллари саноатида (1333 лойиҳа), озиқ-овқат (1152), енгил ва тўқимачилик (939), мебель ва қорғоз саноатида (376), кимё ва нефть-кимё саноатида (310) ва бошқа тармоқларда 2715 янги ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан қиймати 822,6 миллиард сўмлик кредит ажратилди, лойиҳа ташаббускорларининг 1190,6 миллиард сўмлик ўз маблағлари жалб этилди, 38,3 миллион долларлик тўридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди ва 60 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

V-VII Республика инновация ярмаркаларида тузилган шартномалар доирасида шу йилнинг тўққиз ойида саноат маҳсулотларининг тақрибига намуналар ишлаб чиқарилди, 11 шартнома бўйича янги технологиялар ишлаб чиқаришга жорий қилинди, 15 лойиҳа асосида мамлакатимиз илмий ва таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилган илмий маҳсулотлар етказиб берилди, 9 лойиҳа бўйича ташкилотларга илмий-техник хизмат кўрсатилди, 6 турдаги инновация маҳсулотлари, жумладан, ўтга чидамли енгил буюмлар

ва юкори ҳароратли ўтга чидамли материаллар, шунингдек, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

III. Ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш

Шу йилнинг ўтган даврида мамлакатимизда қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити яратиш, қўнунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш учун ортиқча бюрократик ва маъмурий тартиб-таомилларга чек қўйишга доир ишлар давом эттирилди.

Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 4609-фармони ижросини таъминлаш мақсадида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини қўлайитириш, уларнинг молиявий-ҳўжалиқ фаолиятини текшириш сонини чеклаш, кичик бизнес субъектларига қўшимча солиқ преференциялари бериш, ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш механизмларини соддалаштириш, шунингдек, кичик ва ҳусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларда давлат органлари фаолиятининг очикилигини таъминлашга қаратилган қўнунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Кичик ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этишга қўмаклашиш мақсадида ўтган даврда кичик бизнес субъектларига умумий қиймати 60,5 миллиард сўмлик 224 давлат активи (жумладан, 151 объект нолга тенг қийматда) сотилди, фойдаланилмаётган 23 мингта давлат мулки объекти ижарага берилди. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларига 7,3 триллион сўм миқдорида кредит ва микрокредитлар (жумладан, 1,5 триллион сўмлик микрокредит) берилди. Бу 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробар кўпдир. Халқаро молия институтларининг кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун тақдим этилган 129 миллион долларлик (1,2 баробар) кредит линиялари ўзлаштирилди.

Ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг тўққиз ойида 20,2 мингта янги кичик бизнес субъектини (фермер ва деҳқон ҳўжалиқлари ҳисобга олинмаган ҳолда) ташкил этиш имконини берди. Ёнг кўп кичик бизнес субъектлари саноат ва қурилиш тармоқларида (умумий миқдорининг 38,6 фоизи) ташкил қилинди. Натижада фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналари умумий сони 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 3,5 фоиз кўпайди.

Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик корхоналарининг товар бозорларидан фойдаланишини кенгайтиришга доир қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида 2014 йилнинг тўққиз ойида кичик тадбиркорлик субъектлари биржа савдолари орқали 1,2 триллион сўмлик (ўсиш 1,9 баробар) ўз маҳсулотларини сотди, қиймати 3 триллион сўмдан зиёд (ўсиш 1,7 баробар) маҳсулот сотиб олди. Электрон савдолар орқали амалга оширилган давлат харидлари ҳажми шу йилнинг тўққиз ойида 333,7 миллиард сўм ёки давлат харидлари умумий ҳажмининг 98,3 фоизини ташкил этди. Давлат харидлари бўйича электрон савдоларнинг жорий этилиши ҳисобига ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган 82,2 миллиард сўмлик ёки 19,5 фоиз бюджет маблағлари иқтисод қилинди.

Статистик, солиқ, молиявий ва бошқа ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимини босқичма-босқич жорий этиш доирасида айни пайтда тадбиркорлик субъектларининг 99 фоизи солиқ ҳисоботларини, 94,7 фоизи статистика ҳисоботларини электрон шаклда топширмоқда. Бундан ташқари, давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг контактсиз электрон шаклланиши ривожлантириш натижасида жорий йилнинг тўққиз ойида 280 мингдан зиёд бошқона юз декларациялари (умумий миқдорининг 98,2 фоизи) электрон шаклда расмийлаштирилди. Олий ҳўжалиқ суди томонидан суд иши иштирокчиларининг 30 мингдан ортиқ электрон ариза ва мурожаатлари қўриб чиқилди, уларга 42 мингдан зиёд хабарнома электрон шаклда тақдим этилди.

Ишбилармонлик муҳитини янада тақомиллаштириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар самарасида 2014 йилнинг тўққиз ойида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 52,9 фоиз (2013 йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич 51,2 фоиз бўлган), саноатда 31,1 фоиз (27,9 фоиз), инвестицияларда 33,2 фоиз (32,2 фоиз), пуллиқ хизмат кўрсатишда 47 фоиз (43,1 фоиз), бандлик соҳасида 76,5 фоиз (76 фоиз) ўсди.

IV. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ҳамда ҳажон бозорига чиқишининг муҳим омили бўлган тўлақоли рақобат муҳитини шакллантириш

Жаҳонда асосий экспорт позициялари учун нарх қўнунжура-сининг қўнунлайлиги ва мамлакатимизнинг савдо шериклари бўлган катор давлатларда истеъмол талаби пасайиб бораётган шартонда ташки бозорларда экспортчи корхоналарнинг ўринларини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган даврда маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга доир чора-тадбирлар билан бир қаторда, экспорт қилинаётган миллий маҳсулотларимиз ҳажми ва номенклатурасини кенгайтириш чора-тадбирлари ҳам амалга оширилди.

Жумладан, юк автомобиллари, автобуслар, кимё асосли қотишмалар, полиэтилен, қалава ип, трикотаж мато, аммиакли селитра, қальциницияланган сода, сунфрфос ва бошқа товарларни экспортга етказиб бериш ҳажми ошди.

Бундан ташқари, жорий йил бошидан буюн 322 янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилиб, улар қиймати 332 миллион долларлик маҳсулотни экспортга етказиб берди, 172,2 миллион долларлик 143 турдаги янги маҳсулот, жумладан, «Cobalt» ва «Gentla» русумидаги автомобиллар, қўлпалаш-пайвандалаш таркибий қисмлари, радиаторлар, автомобиль ўриндиқларини шамоллатиш тизими ва ташки бозорда харидорлар бошқа маҳсулотларини экспорт қилиш ўзлаштирилди. Шу даврда мамлакатимиз корхоналари илк бор ўз маҳсулотларини 51 давлатга экспортга етказиб беришни йўлга қўйди.

2012 — 2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури ижроси доирасида ўтган даврда сервис инфратузилмасини ташкил этиш ва ривожлантириш учун «Микрокредитбанк»нинг 33 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағи йўналтирилди. Умуман, жорий йил бошидан буюн сервис хизматларини кўрсатиш бўйича 10 мингдан ортиқ лойиҳа амалга оширилди.

Масалан, 2013 — 2020 йилларда телекоммуникация технологияларини, алоқа тармоқлари ва инфратузилмаларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг тўққиз ойида замонавий технология асосида кенг микёсда фойдаланиш учун 650 километрдан ортиқ оптик толали тармоқлар бунёд этилди ва захира қилиб қўйилди. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ишлаб чиқилган 75 мингдан зиёд таълим-ахборот ресурслари Ziyonet электрон портали кутубхонасида жойлаштирилди. Рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтиш доирасида ахбороти рақамли телевидение билан қамраб олиш даражаси 45 фоизга етказилди.

Мобиль алоқа ва интернет хизматларидан фойдаланаётган абонентлар сонининг кўпайиши, ахборот-коммуникация технологиялари негизида янги хизмат турларининг жорий этилиши ва ривожлантирилиши, шунингдек, АТСни рақамлаштириш даражасининг ошгани натижасида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 23,7 фоиз, компьютерда дастурлаш хизматлари 20,6 фоиз ўсди.

Микро ва истеъмол кредитлашни ривожлантириш, замонавий халқаро стандарт ва технологиялардан фойдаланган ҳолда тўлов тизимини тақомиллаштириш, шунингдек, молиявий инфратузилма институтларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар молия хизматлари ҳажмининг 33,6 фоиз ошириш имконини берди.

Чакана савдо ва умумий оқватланиш соҳасида 5,1 мингта якин янги лойиҳаларнинг ҳаётиятга татбиқ этилиши тегишли хизматларнинг 16,6 фоиз кўпайишига ёрдам берди. Машиий хизмат кўрсатиш соҳасида 3,1 мингдан зиёд лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида машиий хизматлар ҳажми 20 фоизга ошди.

Умуман, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисининг замонавий хизмат турларидан фойдаланишини кенгайтиришга доир қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50,1 фоизга етди (2013 йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 49,9 фоиз бўлган).

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги

V. Қишлоқ ҳўжалигини техник ва технологик янгилаш

2013 — 2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелioraтив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилona фойдаланиш давлат дастурини амалга ошириш доирасида жорий йил бошидан буюн Сугориладиган ерларнинг мелioraтив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 81,4 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Натижада узунлиги 739,8 километр коллектор, вертикал дренажи 107 қудуқ, 1269 қузатув қудуғи ва 75,2 километр ёпиқ горизонтал дренаж тармоғини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди, 9,5 минг километр ҳўжалиқлар ва ҳўжалиқ ичидаги коллектор-дренаж тармоқларида таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари бажарилди.

Шу йилнинг тўққиз ойида асосий ва оралиқ экин майдонларида 255,8 минг гектар ерга сабзавот, 81,5 минг гектар ерга картошка ва 57,1 минг гектар майдонга полиз экинлари экилди. 2,4 минг гектар майдонда янги боғлар, 5,6 минг гектар ерда интенсив боғлар ва 8,9 минг гектар ерда узумзорлар барпо этилди. 4,1 минг гектардаги боғ ва 6,1 минг гектарлик узумзорлар реконструкция қилинди. 410 гектар майдонда 750 янги иссиқхона ташкил этилди.

Жорий йилда сув кам бўлганига қарамаздан, деҳқонларимизнинг омилкорлиги ва фидокорона меҳнати самарасида сугорилиш сувларидан оқилona фойдаланишни таъминлашга доир қўрилган чора-тадбирлар натижасида ўтган даврда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштирилди ва йиғиштириб олинди. Ҳусусан, жорий йилнинг тўққиз ойида 6,7 миллион тонна сабзавот (2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 111,4 фоиз), 1,9 миллион тонна картошка (111 фоиз), 1,2 миллион тонна полиз маҳсулотлари (109,3 фоиз), 1,7 миллион тонна мева (111,5 фоиз) ва 991,6 минг тонна узум (109,3 фоиз) етиштирилди.

Мамлакатимиз аҳолисини 2014 — 2015 йиллар куз-қиш даврида мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида тайёрлов корхоналари ва ижтимоий ошхона ташкилотларининг оғмор ҳамда музлатиш хоналарида 74,2 минг тонна миқдорда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, 11,3 минг тонна картошка, 24,3 минг тонна пивё, 2,8 минг тонна сабзи, 1,23 минг тонна қарам, 24 минг тонна мева, 4,3 минг тонна полиз маҳсулотлари, 4,2 минг тонна гурчи ва бошқа маҳсулотлар гамланди.

Жорий йил бошидан буюн чорвачиликни ривожлантириш бўйича 53 минг бош қорамолга мўлжалланган 2 мингдан зиёд лойиҳа, паррандачиликни ривожлантириш бўйича 10,3 миллион паррандага мўлжалланган 788 лойиҳа, балиқ етиштириш бўйича 747 лойиҳа, шунингдек, асаларичилик ҳўжалиқларини ривожлантириш бўйича 828 лойиҳа амалга оширилди. Тижорат банклари ушбу лойиҳалар учун чорвачиликни ривожлантиришга 185 миллиард сўм, паррандачилик ҳўжалиқлари ташкил этиш учун 85,5 миллиард сўм, балиқчилик ва асаларичилик ҳўжалиқларини ривожлантириш учун 15,2 миллиард сўм ажратди.

Натижада жорий йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича қорамоллар умумий сони 4,1 фоизга кўпайиб, 10,9 миллион бошга етди. Гўшт етиштириш ҳажми 6,8 фоиз, сўт 7 фоиз, тухум 12,3 фоизга ошди.

VI. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, уй-жой қуриш ва аҳоли яшаш масканларини обodonлаштириш

2014 йилда Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг ўтган даврида 1,5 триллион сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди. Янги қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 10830 яқка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ жойларда бунёд этилган янги уй-жой массивларини зарур муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминлаш мақсадида шу йилнинг тўққиз ойида 470,2 километр сув таъминоти тармоқлари; 291,1 километр айланма ва ички автомобиль йўллари фойдаланишга топширилди, узунлиги 289,6 километр электр тармоқлари барпо этилди, 297 кичик трансформатор станцияси ўрнатилди, шунингдек, 307,9 километр газ таъминоти тармоғи ишга туширилди. Бундан ташқари, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш мақсадида янги массивларда 135 ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари ташкил этилди.

Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар самарасида жорий йил бошидан буюн мамлакатимизда 9,2 миллион квадрат метр (2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 110,1 фоиз), жумладан, қишлоқ жойларда 7,1 миллион квадрат метр уй-жой (111,1 фоиз) фойдаланишга топширилди. 2 минг километрдан зиёд, жумладан, қишлоқ жойларда 1,8 минг километр сув таъминоти тармоғи, шунингдек, 361 километр, қишлоқ жойларда эса 269 километр газ тармоқлари барпо этилди.

Бундан ташқари, республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий инфратузилма объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш мақсадида 68 қозонхона, 132 қозон, 72,8 километр иссиқлик, 83,2 километр газ, 169,9 километр сув, 16,5 минг километрдан ортиқ электр тармоқлари, 5,6 мингта трансформатор пунктлари, 469 болалар боғчаси, 98 мактаб, 79 шифокхона, 6 «Муруват» ва «Саховат» уй-интернатлари, 3 болалар уйи, шунингдек, 878 қўн қаватли уйлар капитал таъмирланди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида 2014 йил 1 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ 2221-қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги «Давлат музёлиларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очикилигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 189-қарори қабул қилинди.

Ўтган даврда 59,2 минг ўқувчи ўринга мўлжалланган 210 умумтаълим мактабини (жумладан, иқтисодлаштирилган мактаблар) қуриш ва реконструкция қилиш, 159 мактабни капитал таъмирлаш, шунингдек, уларни мебель, компьютер синфлари, ўқув-лаборатория ускуналари ва бошқа инвентарлар билан жиҳозлаш учун қарийб 300 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Бундан ташқари, 37 болалар мукаси мактаби ва 89 болалар спорт объекти (жумладан, умумтаълим мактабларида 73 спорт зали) барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 218,2 миллиард сўм ўзлаштирилди.

Умуман, 2014 йилнинг тўққиз ойида «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга оширишга 4,2 триллион сўм ва 200 миллион доллар маблағ йўналтирилди.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини фолл амалга ошириш натижасида жорий йилнинг тўққиз ойида 777,8 минг янги иш ўрни, улардан 465 мингтаси ёки умумий миқдорининг 59,8 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Янги иш ўринлари умумий миқдорининг

Сайлов — 2014

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда хорижий давлатларда сайлов участкаларини ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни ёритиш учун журналистларни аккредитациядан ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Мажлиси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Сайлов тўғрисидаги қонунчиликка биноан сайлов участкалари асосий мезон — сайловчиларга барча қулайликлар яратиш инobatта олинган ҳолда ташкил этилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига мувофиқ мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида ҳам сайлов участкалари ташкил қилинмоқда.

Марказий сайлов комиссияси Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларини ташкил этиш ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, парламент сайлови бўйича 44 та сайлов участкасини тузиш ва уларни Тошкент шаҳридаги 126-Темирйўлчилар сайлов округига бириктириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, сайловчилар учун зарур шароитлар

яратишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда парламент, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни ҳолисона ва ҳар томонлама ёритишни таъминлашнинг муҳим шарти сифатида маҳаллий ҳамда хорижий журналистларни аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Марказий сайлов комиссиясига тегишли тартибда мурожаат қилган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг ваколати доирасидаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎЗА)

Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг съезди бўлиб ўтди.

КЕЛГУСИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси С.Турдиев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Б.Ёқубов ва бошқалар ҳисобот даврида партиянинг 2009 йилги сайловолди дастури ижросини таъминлашда асосий эътибор мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш ва электрорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганини таъкидлади.

Бу жараёнда хусусий мулк ҳимоясини қўчайтириш, жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ва кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари ривожлантириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, фермерлар етиштириётган маҳсулотларни экспорт қилиш — доимий эътиборда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги ички маҳсулотдаги улуши 55,8, саноатдаги улуши 31,1, ўзлаштирилган инвестициялар 33,2 фоизга ўсди. Иш билан таъминланган аҳолининг 76,5 фоизи хусусий сектор ҳисобига тўғри келмоқда. Кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари ташкил этиш ҳисобига 650 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Ўтган даврда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан 1672 марта ижро ҳоқимияти тузилмалари мутасаддиларининг айтилувлари ташкил этилди. Доимий комиссияларга киритилган 280 дан ортиқ тақлифлар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Айни пайтда партия томонидан давлат бошқаруви, ижтимоий-гуманитар, маънавий со-

ҳалар, интеллектуал ривожланиш йўналишларида ўндан ортиқ лойиҳа ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. Ушбу лойиҳаларда асосий эътибор аёллар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш каби масалаларга қаратилган. Мисол учун, «Мулкдор оила» лойиҳаси доирасида 1760 иштирокчилнинг 28,5 миллиард сўмлик бизнес режалари молиялаштирилди. «Ишбилармон талаба», «Парламентда меннинг ўрни», «Агар депутат бўлсам...», «Диплом билан бизнес» каби лойиҳаларда иштирок этган 874 минг нафарга яқин ёшнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий билимлари оширилди.

Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси электрорат манфаатларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳаларига тақлифлар бериш, назорат-таҳлил фаолиятини амалга ошириш имкониятларидан кенг фойдаланмоқда. Жумладан, фракция ўтган даврда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилинишида ташаббускор бўлди.

Йиғилишда партиянинг ўтган 5 йиллик фаолияти сарҳисоб қилиниб, иштиқболдаги режалар белгилан олди. Мамлакатимиз ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа ҳисобланган бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича масалалар атрофида кўриб чиқилди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

АДОЛАТ — АСОСИЙ МЕЗОН

Пойтахтимизда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг қурултойи бўлиб ўтди.

Унда партиянинг 2009 йилги сайловолди дастуридаги устувор йўналишларнинг бажарилиши, мафкуравий, ташкилий-кадрлар соҳасидаги ишлар ва парламент қўйи палатасидаги партия фракцияси фаолияти таҳлил этилиб, истиқболдаги муҳим вазифалар белгилан олди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Н.Умаров, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари С.Турсунов ва бошқалар мамлакатимизни жадал ривожлантириш жараёнида фуқаролик жамияти институтлари демократик қадриятлар, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омилга айланаётганини таъкидлади.

Ҳисобот даврида мамлакатимизни демократлаштириш ва сиёсий жиҳатдан модернизациялашнинг янги босқичига ўтишнинг Ўзбекистон «Адолат» СДП фаолиятида ҳам ўз аксини топди. Партия марказий органлари, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда маҳаллий кенгашларда партия депутатлар гуруҳларининг иш режаси қайта қўриб чиқилди. Ташкилий-партиявий ишлар даражасини мунтазам ошириб бориш билан бирга партиянинг сайловолди дастуридаги «Адолат — ҳаётиимизнинг бош мезони» ғояси асосида партия электроратига мафкуравий жиҳатдан таъсир кўрсатиш, тарғибот-ташвиқот, маънавий-тарбиявий ишларни ривожлантириш бўйича кенг қўлмалли ишлар амалга оширилди.

Партия саъй-ҳаракатлари қуйидан юқори бўйингача бўлган барча ташкилотларни қамраб олувчи йирик мафкуравий

акцияларни уюштиришга йўналтирилди. «Энг яхши ижтимоий бизнес ғоя», «Муқобил энергиянинг энг фаол тарғиботчиси», «Партиянинг оқила аёли», «Энг яхши матбуот котиби» каби лойиҳалар шулар сирасидандир.

Партиянинг дастурий ғояларидан келиб чиққан долзарб масалалар бўйича унинг минтақавий тузилмалари билан видеоконференция ва телекўприк ўтказиш тажрибаси шакллантирилди. Партия фракцияси мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни қўллаб-қувватловчи, соғлиқни сақлаш, фан, таълим, суд-ҳуқуқ тизимларини янада мустаҳкамловчи қатор қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқиши ва қабул қилинишида фаоллик кўрсатди.

Йиғилишда мамлакатни демократлаштириш ва янгилаш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича долзарб вазифаларни ҳал этишда партиянинг «Адолат — ҳаётиимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун» деб номланган сайловолди дастурининг асосий қоидалари тасдиқланди. Янги дастурда асосий эътибор ижтимоий соҳага замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, ижтимоий шерикликини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш каби йўналишларга қаратилган.

Қурултойда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши жорий йилнинг 21 декабрь кунини мамлакатимизда, шу жумладан Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловларини ташкилий жиҳатдан юксак савияда уюшқоқлик билан ўтказиш масаласига бағишланди.

Зиёлилар, 12-Яланғоч, 13-Гулшан, 14-Интизор, 15-Феруза, 16-Хумоюн округ сайлов комиссиялари ва уларнинг таркибидagi сайлов участкаларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан олиб бораётган ташкилий ишлар атрофида муҳокама этилди.

Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда Бектемир ва Мирзо Улугбек туманлари ҳокимликларига барча

сайлов округлари ва участкаларини зарур техника воситалари билан таъминлаш ишларини охирига етказиш, шаҳар сайлов комиссияси томонидан аниқланган баъзи камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилди.

Комиссия йиғилишида Тошкент шаҳар Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи вазифини бажарувчи Н.Ходжаев халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтка-

зувчи округ ва участкаларда ёнғин хавфсизлиги чораларининг кўрилиши ҳақида ахборот берди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси 9-қисмига мувофиқ шаҳар сайлов комиссияси томонидан сайловга оид ҳужжатлар, жумладан округ сайлов комиссияси аъзолари гувоҳномаси, депутатликка номзоднинг

гувоҳномаси, номзод ишончли вакилининг гувоҳномаси, сайлов округи бўйича қузатувчининг гувоҳномаси, депутат этиб сайланганлик ҳақида гувоҳнома, округ сайлов комиссиялари иши учун зарур бўлган ҳужжатларнинг намунаси тасдиқланди ва ижро учун жойларга етказиш белгиланди.

Йиғилишда шаҳар сайлов комиссияси томонидан 2014 йилнинг ноябрь ойига мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Йиғилишда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сайловларни ёритиш бўйича
Тошкент шаҳар матбуот
маркази

Танловлар

ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Бошланғич ташкилотлар етакчилари ўртасида «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.

Ушбу танлов миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти, қадимий илдишлари, ноёб ва бетакрор намуналари ҳақида тарғибот ишларини олиб бориш, ота-она, оила, маҳалла, тарихий хотира, миллий гуруҳ, қонинсон тарбияси билан боғлиқ бўлган туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига сингдириш, Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, унда маҳоратли ва зукко деб топилган, туман босқичларида қатнашган энг илгор маънавият тарғиботчилари ўзаро беллашди.

Иштирокчилар «Одам савдоси — аср вобоси», «Гёйхандликка қарши курашнинг таъсирчан усуллари», «Ёшлар тарбиясида интернетнинг таъсири», «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш масалалари» каби мавзу-

лар бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойён қилдилар.

Жумладан, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар бўйича дастурлари, режалари, уларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлари ва фото-аудио-материаллари тақдим этилди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни аҳоли ўртасида тизимли равишда тарғиб этишда Республика Маънавият тарғибот марказининг минтақавий-ҳудудий бўлиmlари қоида фаолият олиб бораётган тарғибот гуруҳлари аъзолари олдида улкан вазифалар турибди, — дейди «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгашининг маънавий-маърифий лойиҳалар бўйича бўлим бошлиғи ўқир Маҳмамов. — Ушбу танлов иштирокчилардан жойларда олиб борилаётган тарғибот-таш-

виқот ишларининг самарали ҳамда мақсадли ташкил этилишига ўзига хос ёндашув, нутқий маҳорат, зукколик, замонавий техникалардан унумли фойдалана олиш маҳоратини талаб этади.

Дарҳақиқат, юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларни миллий қадриятларимизни қадрлашга қорлаш, уларнинг онг ва тафаккурини тарафлантириш ва энг асосийси, Ватанимизга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашда бу каби танловлар муҳим аҳамият касб этади.

Кўрик натижаларига кўра Яқкасарой туманидаги 160-мактабнинг «Камолот» ЁИХ



Бошланғич ташкилоти етакчиси Жаҳонгир Абдурахмонов биринчи ўринга лойиқ деб топилди ва танловнинг Республика босқичига йўланма олди.

Танлов якунида ғолиб ва совриндорларга «Камолот» ЕИХ шаҳар Кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг шаҳар босқичидан лавҳа

Ислом Исмоилов олган сурат

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли ишбилармон ва тадбиркорлар «Realtor Garant Business» МЧЖ
Сизларни ҳамкорликка таклиф этади.

«BO'KA TURON — INVEST» МЧЖ тасарруфида бўлган Тошкент вилояти, Бўка тумани, Хўжақўрғон қўрғонини манзилида жойлашган, умумий майдони 3,92га бўлган оинани қайта ишлаш цехи (мол-мулки мужассам ҳолда) сотилади. Баҳоси 7 400 000 000 сўм.

Таклифлар ҳамда қўшимча маълумотлар билан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.

Мурожаат учун тел: (91)790-73-12.
RR — 0052.

«Respublika mulk markazi» ЕАЖ бошланғич баҳоси босқичи-босқич олиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бош амалиётлар бошқармасининг 24.10.2014 йилдаги 21-24-8092-сонли буюртма хатига асосан банкга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1) «Эпика» русумли, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/050FAA бўлган, Бошланғич баҳоси — 37 879 000 сўм.

2) «Эпика» русумли, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/044FAA бўлган, Бошланғич баҳоси — 38 909 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 1 декабрь кунини соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2014 йил 28 ноябрь кунини соат 18:00.

Автотранспорт воситасининг 1 декабрдаги савдоси бўлиб ўтмаганда, тақрорий савдоси 2014 йил 9 декабрь кунини соат 11:00да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 9 декабрдаги савдо учун 5 декабрь кунини кунини соат 18:00да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотида шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатлат пули тулганганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вақилар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатлат қилишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини «РММ» ЕАЖнинг ОАИКБ «Ипак Йўли банк» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: Х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

Мурожаат учун ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бош амалиёт бошқармаси телефон рақамлари: 150-76-89, 150-76-79.

«КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичи-босқич олиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Тақрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳар, М.Улугбек тумани СИБ томонидан 11.07.2014 йилдаги №22912/17-сонли ижро варақасига асосан, Бошланғич нархи — 42 598 949 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 58-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 28,74 кв.м., яшаш майдони 16,43 кв.м.дан иборат бўлган 1-хонали 1-хонадон (Ту-рар-жой); Тақрорий аукцион савдолари 2014 йилнинг 18 ноябрь кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини «КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ нинг АТИБ «Ипотека банк» Шахматонхор филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким оиди савдоси ўтказилишига бир иш кунини қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: №0039

TOSHKENT SHAHAR YER RESURSLARI VA DAVLAT KADASTRI BOSQARMASI «TOSHKENT SHAHAR YER TUZISH VA KO'CHMAS MULK KADASTRI DAVLAT KORXONASI»

ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаро (ташкilot)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнларида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзга келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21.
Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти

Диққат, викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Савол:

Тошкент шахрининг худуди нечта маъмурий бирлик — тумандан иборат?
Уларнинг номларини сананг.

«Ватанпарвар»

МАҚСАДИМИЗ — ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

Мустақил юртимизнинг келажаги бўлган ёшларни она Ватанга садоқатли, фидойи этиб тарбиялаш билан бирга улар онигга инсонийлик, ватанпарварлик туйғуларини сингдириш ва эзгу ишлар сари йўналтиришда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўрни беқиёс.

«Ватанпарвар» ташкилотининг «Мирзо Улугбек Ўқув СТК» унитар корхонаси ҳам шу мақсадларни амалга ошириш йўлида самарали фаолият юритмоқда.

Хусусан, Соғлом бола йили муносабати билан ташкилот томонидан салмоқли ишлар амалга оширилганини таъкидлаш жоиз. Ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, спортнинг техник ва амалий турларига жалб қилиш мақсадида ташкилотда бир қанча тўғаракларда машғулотлар олиб боришмоқда.

Машғулотларни олиб бориш билан бирга ташкилот вояга етмаган, тарбияси оғир ёшлар билан ҳам шуғулланиб келмоқда. Уларни назорат қилиш ҳамда спорт тўғаракларига жалб этишга катта эътибор қаратилади. Бу ишларда ташкилотда тузилган комиссиянинг ўрни катта. Ҳар чоракда комиссия йиғилишлари ўтказилади, вазифалар белгиланади.

— Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг «Мирзо Улугбек ЎСТК» унитар корхонаси «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга оширишга муҳим эътибор қаратиб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва спортнинг техник ва амалий турларига жалб қилиш мақсадида фаолият юритаётганини таъкидлаш жоиз, — дейди Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг «Мирзо Улугбек Ўқув СТК» унитар корхонасининг Маънавият, ташкилий-оммавий ишлар ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи бўйича бошлиқ ўринбосари Феруза Турдиева. — Глобаллашув даврида ёшларни турли зарарли таъсирлардан, бузғунчи ғоялардан асраш мақсадида, уларнинг спорт турларига бўлган қизиқишларини орттириш, ўз Ватанига нисбатан меҳр-муҳаббатини юксалтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жисмоний чиниктиришга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Истиқлол туфайли қайта туғилган қаҳриятларни эъзозлаш тарихий аънаналар урф-одатларимизда мўжассам бўлган эзгулик, бағрикенглик, ҳурфикрлик фазилатларни ёшлар онгига сингдириш, халқимизнинг ўзига хос жиҳатлари, бой маданияти ва маънавиятини тарғиб этиш муҳим аҳамиятга эга. «Ватанпарвар» ташкилотининг томонидан ҳам ўсиб келаётган ёш авлодни аждодлардан қолган аънаналарга ва она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғурур фазилатларини, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга катта эътибор қаратишмоқда.

Тумандаги Ал-Фаробий, Аҳмад Юнакий маҳаллаларининг вояга етмаган ёшлари ва бошланғич ташкилот аъзолари билан Али-

шер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари муносабати билан Республикадаги Алишер Навоий номли адабиёт музейига саҳат уюштирилди.

Ёшлар ўртасида ҳар йили «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг ўтказилиши уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шакллантиришда, маънавий ва жисмоний камол топтиришга хизмат қилиб келмоқда.

Бундан ташқари таълим муассасаларнинг ишчи-ходимлари ва ҳар бир ғуруҳ бошланғич ташкилоти аъзоларига «Маънавият соати» дарслари мунтазам равишда ўтилмоқда. Бундан асосий мақсад «Ватанпарвар» ташкилотининг асосий вазифалари ҳақида ҳамда таълим муассасасидаги ёшларни ҳар томонлама қўлиб, ижодий иқтидорларини ривожлантириш орқали дунёқарашларини бойитиш, ўсиб келаётган авлод онгига соғлом турмуш тарзини сингдириш, жамият ҳаётида фаол иштирок этишга кўмаклашишдир.

Тумандаги «Баркамол авлод» болалар ижодий марказида «Соғлом бола буюк ишларга қодир» шиори остида «Йилнинг энг ёш иштирокчиси» республика кўрик-танлови ўтказилди. Кўрик-танловда ёшлар томонидан «Бошланғич техник моделлаштириш ва конструкциялаш» туркумига кирувчи «Ёш конструктор ва иxtиpочи» тўғараклари (автомодель, авиамодел, ракетамодел, кемасозлик, робототехника ва электрон ўйинчоқлар)да яратилган макет ва моделлар бўйича иxtиpолар намойиш этилди.

Танловнинг асосий мақсади ёшларимиз ўртасида иқтидорли болаларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдир.

Ўрта таълим мактаб ёшлари ўртасида «Яшил чирок» кўрик-танловида ёшлар йўл қўдаларига қанчалик амал қилишлари, автотомобиллар ва пиёдаларнинг тўғри ҳаракатланиши бўйича ўзларининг олган билимларини яна бир бор мустақамлашди.

Ўтказилган ташкилот ёшларнинг қизиқишлари, иxtиpолари, дунёқарашлари, билим ва кўникмалари тобора ошиб бораётгани мустақил, тинч ва осойишта юрт фарзандлари эканликларида далolat беради.

Ташкилот келажак авлод қалбида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, уларни соғлом ва бақувват этиб тарбиялашда спортнинг техник ва амалий турларига бўлган қизиқишларини орттириш, глобаллашув даврида ёшларни турли зарарли таъсирлардан, бузғунчи ғоялардан асраш бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Зиёда РАСУЛОВА



2014 йил — Соғлом бола йили

ИЖОДЛАРИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ КАШФ ЭТИЛДИ

Баркамол авлод — эл-юрт таянчи, келажагимиз пойдевори, миллатимиз эртаси, Ўзбекистонимизнинг факхридир. Юртбошимиз раҳнамолигида бугунги кунда эртаимиз ворислари бўлган ёшлар истеъдодини юзага чиқариш учун кўплаб имкониятлар яратилмоқда.

«Мустақиллик меннинг тақдиримда» мавзусидаги фестиваль ҳам иқтидорли ёшларнинг изланиш ва интилишларига йўл очди, улар иқтидорларининг янги қирраларини кашф этиш ва шу билан бирга болалар ижодийтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилди.

«Баркамол авлод» болалар марказида мазкур фестивалнинг шаҳар босқичи юқори савияда бўлиб ўтди. Ушбу тадбир техник ижодкорлик, ўлкашунослик ва экология, бадий ижодий ёналишлари доирасидаги «Ёш ўлкашунос», «Ёш мусаввир», «Либослар дизайни», «Робототехника ва электрон ўйинчоқлар» тўғараклари фаолиятини қамраб олган ҳолда ўтказилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, ўқувчилар ўртасида иқтидорли болаларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бориш, эҳтиёжлари ва қизиқишларига кўра ижодий қобилиятларини ривожлантириш бошланғич касбий кўникмаларини шакллантириш мақсадида ушбу фестиваль ташкил этилди, — дейди шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказининг оммавий-маданий ишларни ташкиллаштириш бўлими бошлиғи Гулбаҳор Қобилова. — Фестивалга тақдим этилган

ижодий ишларни кўриб чиқиш ва баҳолаш жараёнида уларнинг бугунги кундаги аҳамияти, Низом талабларига жавоб бериши, сифати ва дизайни, берилган мавзуга мослиги каби жиҳатларига эътибор қаратилди. Шунингдек, ҳар бир иштирокчининг мавзунини яхши билиши, етарлича билимга эга эканлиги ва эҳтиёжига ҳам эътиборга олинди.

— Мен болалигимдан турли хил либосларнинг андозаларини чизман, замонавий кўйлақларнинг янги кўринишдаги турларини яратишга интиланман, — дейди Либос дизайни йўналиши бўйича фестиваль иштирокчиси Ким Бетрисса. — Ўзим «Баркамол авлод» болалар ижодий марказида ушбу йўналишдаги тўғаракка аъзоман. Келажакда моҳир дизайнер бўлиш ниятидаман. Фестивалда кўплаб тенгдошларимнинг ижодий ишларини кузатиш имкониятига эга бўлдим.

Тадбир сўнггида ғолиблар «Баркамол авлод» болалар марказининг факхри эрлиги ва совғалари билан тақдирланди. Биринчи ўрин соҳиблари эса 20 — 28 ноябрь кунлари бўлиб ўтадиган фестивалнинг республика босқичига йўланма олдилар.

Гулнигор САТТОРОВА
СУРАТДА: «Баркамол авлод» болалар фестивалнинг шаҳар босқичидан лавҳа
Ислом Исмоилов олган сурат

МАМЛАКАТИМИЗ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИНИ АКС ЭТТИРГАН ВИДЕОРОЛИКЛАР

Тошкентда «Янги нигоҳ» видеороликлар танловига бағишланган видеоконференция бўлиб ўтди.

Тадбир Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилди. Танловдан қўзланган асосий мақсад Ўзбекистонда ёшлар туризмининг ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг сайёҳлик салоҳияти, тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тарғиб этиш, медиа маҳсулотларнинг кенг тарқалган тури — видеороликлар ёрдамида мамлакатимизнинг сайёҳлик соҳасидаги имкониятлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишдан иборат.

«Янги нигоҳ» танлови «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиоканаллари, Ўзбекистон Фанлар академияси, «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий гоа ва мафкура илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова, «Олтин мерос» хайрия жамғармаси раиси ўринбосари М.Давлатов ва бошқалар ушбу танлов Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳиятини намойён этиш имкониятларини янада кенгайтириб, айни пайтда юртимиз ёшларига туризм соҳасини ривожлантириш истикболларини ўз нигоҳи орқали акс эттириш имконини берганини таъкидлади.

«Янги нигоҳ» танловида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этмоқда. Иштирокчилар «Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини намойён этган энг яхши видеоролик», «Ўзбекистоннинг экотуризм салоҳиятини намойён этган энг яхши видеоролик», «Миллий қадрият ва аънаналарни тарғиб этишга қаратилган энг яхши видеоролик», «Видеоролик сценарийи учун энг яхши гоа» ва «Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тўғрисидаги энг яхши видеоролик» номинациялари бўйича уч юздан ортиқ видеоролик тақдим этди.

Танлов доирасида «Бунёдкор» ёшлар телеклуби томонидан видеороликлар яратиш бўйича маҳорат сабоқлари ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг иқтидорли ёшлари иштирок этди.

Энг яхши ижодий ишлар www.videofanlov.uz веб-сайтига жойлаштирилди. Бу кенг жамоатчиликка танлов ғолибларини онлайн режимида аниқлаш имконини беради. Барча хоҳловчилар жорий йилнинг 5 ноябрга қадар ўзларига мазкур бўлган видеоролик учун овоз бериши мумкин.

«Янги нигоҳ» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими 8-10 ноябрь кунлари Хива шаҳрида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган 150 нафар иқтидорли ёшлар иштирокида ўтказилади. Ғолибларга махсус диплом ва совғалар топширилади.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан
ташқари ҳар куни соат 9.00 дан
16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-
28-95. Факс: (371) 232-11-39.
Намзилимиз: Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Тошкент шаҳрида 5 ноябрь кунлари ҳаво ўзаари турли вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Фардан секундига 5-10 метр тезликда, кунга 5-10 метр тезликда 12-17 метр тезликда шамол эсади.

Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 13-15 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 5 ноябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаттади, вақти-вақти билан ҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилган, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

(Газетанинг навбатдаги сони 6 ноябрда чиқади).



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г-1155

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табуқ, офсет усулида босилади.
5622 нусхада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилова
Топшириш вақти: 13.00
Босишга топширилди: 15.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ